

мационной политике государства. До сих пор средства массовой информации не переориентированы на пропаганду семейных ценностей, позитивного восприятия семей с двумя-тремя детьми.

В республике необходимо систематически изучать тенденции рождаемости населения республики. В этих целях необходимо проводить социально-демографические обследования, сле-

дить за изменением потребности населения в детях. Необходима разработка Концепции демографической политики и соответствующие ей Программы демографического развития Узбекистана и ее регионов должны опираться на научно обоснованные выводы, а меры стабилизации рождаемости должны разрабатываться на основе углубленных исследований демографических исследований.

Источник и список литературы:

1. Population Division of the Department of Economic and Social Affairs of the United Nations Secretariat, World Population Prospects: The 2008 Revision [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://esa.un.org/unpp>
2. Вишневский А.Г. Избранные демографические труды. Т.1. Демографическая теория и демографическая история. М., Наука, 2005: 3-214. Концепции естественной рождаемости, предложенной в 1961 г. французским демографом Луи Анри.
3. Антонов, А.И. Социология семьи [Текст] / А.И. Антонов, В.М. Медков. – М.: Изд-во Международного университета бизн еса и управления, 1996.– 304 с
4. Антонов, А.И. Динамика населения России в XXI веке и приоритеты демографической политики [Текст] / А.И. Антонов, В.А. Борисов. – М.: Ключ-С, 2006. – 192 с
5. Вишневский, А.Г. Избранные демографические труды [Электронный ресурс] / А.Г. Вишневский. – М. : Наука, 2005. – Режим доступа:<http://www.demoscope.ru/weekly/knigi/vishnevskij/tom1.pdf>.
6. Вишневский, А.Г. Цивилизация, культура и демография [Текст]/ А.Г.
7. Вишневский // Общественные науки и современность. – 2011. – № 2. – С. 57-76. Демографическая модернизация России: 1900–2000 [Текст] / под ред.
8. А.Г. Вишневского. – М. : Новое издательство, 2006. – 601 с. Население России 2008 [Текст] Шестнадцатый ежегодный демографический доклад / отв. ред. А.Г. Вишневский ; Гос. ун-т – Высшая школа экономики. – М.: Изд. дом Гос. ун-та – Высшей школы экономики, 2010. – 352 с
9. Государственная политика вывода России из демографического кризиса [Текст] / под ред. С.С. Сулакшина. – М., 2007. – 888 с.
10. Антонов А.И., Сорокин С.А. Указ.соч. стр 99.

АҲОЛИНИНГ ИШ БИЛАН БАНДЛИК ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОСХУСУСИЯТЛАРИ ВА ОМИЛЛАРИ

Файзиева Диляфруз Шухратовна -
ТДИУ "Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаштириш"
кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада меҳнат ресурсларидан фойдаланиш кўп жиҳатдан ижтимоий омилларнинг таъсирига: аҳолининг турмуш даражаси ва сифати, ишчиларнинг аксарияти томонидан баҳам кўриладиган умумжоҳон миёсидаги маданий қадриятларнинг мавжудлиги, мамлакатда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш даражаси, аҳолининг билим даражаси ва бошқаларга боғлиқлиги ёритилган.

Асосий тушунчалар: Демографик омил, демографик жараён, ишчи қучи бандлиги, бандлик сиёсати, меҳнат ресурслари, ички омиллар, ишга жалб қилиш механизми.

ОСОБЕННОСТИ И ФАКТОРЫ ПОВЫШЕНИЯ УРОВНЯ ЗАНЯТОСТИ НАСИЛЕНИЯ

Файзиева Диляфруз Шухратовна -
Старший преподаватель кафедры "Макроэкономического
анализа и прогнозирования" ТГЭУ

Аннотация: В статье объясняется, что на использование трудовых ресурсов во многом влияют социальные факторы: уровень и качество жизни, наличие глобальных культурных ценностей, разделемых большинством работников, уровень защиты прав человека в стране, образование и более.

Основные понятия: Демографический фактор, демографический процесс, занятость рабочей силы, политика занятости, трудовые ресурсы, внутренние факторы, механизм найма.

FEATURES AND FACTORS OF INCREASING THE LEVEL OF EMPLOYMENT OF VIOLENCE

Fayzieva Dilafruz Shuxratovna -
Senior Lecturer, "Department of Macroeconomic
Analysis and Forecasting" TSUE

Annotation: This article explains that the use of labor resources is largely influenced by social factors: the level and quality of life, the presence of global cultural values shared by the majority of workers, the level of human rights protection in the country, education and more.

Basic concepts: Demographic factor, demographic process, labor force employment, employment policy, labor resources, internal factors, recruitment mechanism.

Кириш. Сўнгги йилларда ишсизлик масаласи глобал муаммолардан биридир. Дунёда рўй берган иқтисодий инқизорлар таъсири ҳар бир мамлакат иқтисодиётига, шу ўринда меҳнат бозори ҳолатига бевосита таъсир этмоқда. Бундай вазиятда мамлакатдаги ижтимоий-иктисодий ривожланиш шароитига мос иш билан бандликнинг демографик жиҳатларини жорий этиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Иш билан бандлик даражасининг демографик жиҳатлари муаммосини янада юмшатиш, аҳолининг ижтимоий-ҳимояга муҳтож қатламлари учун иш ўринлари кўпайтириш уларга даромад манбани яратиш ва малакасини ошириб боришига имконият яратади.

Хозирги кунда меҳнат ресурсларидан фойдаланишда бир нечта гуруҳ омилларига демографик омилни киритишимиш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки демографик вазият ва жараёнлар мамлакатдаги иқтисодий тараққиёт омили бўлиб ҳисобланади. Демографик жараён бу ўз навбатида, аҳолининг кўпайишига, унинг ёши-жинси таркиби, туғилиш, ўлим, никоҳдан ўтиш, аҳолининг миграцион оқимдаги ўзгаришларга бевосита таъсир кўрсатадиган ҳар қандай ҳодисанинг вақт ва маконда ривожланишини акс эттирувчи ҳодисалар мажмуи ҳисобланади. Айниқса, демографик жараёнларнинг бандлик кўрсаткичларига таъсирини башоратлаш эса келажакдаги иш билан бандлик сиёсатини аниқлаш имконини беради, деб ҳисоблаймиз.

Шубҳасиз, ишли кучи бандлигини ривожлантиришнинг энг муҳим тенденциялари ташқи омилларнинг таъсири билан боғлиқ, аммо уларни бошқариш имкониятлари объектив равища чекланган. Бу нафақат ишбилармон доиралар вакилларига, балки ҳудуддаги давлат органларига ҳам тегишли. Бундай шароитда самарали назорат ҳаракати ички омилларга асосланган бўлиши керак, улар назорат объективининг ўзига хос хусусиятларига кўра ушбу жараённинг икки асосий иштирокчилари - давлат органлари ва иш берувчиларнинг манбаатларини ҳисобга олган ҳолда фарқланиши керак.

Ҳудудий даражада меҳнат билан бандликни бошқаришнинг давлат органлари нуқтаи назаридан асосий ички омиллари қўйидагилар:

- 1) меҳнат ресурсларини бошқаришнинг ҳудудий органлари тизимининг хусусиятлари;
- 2) ҳудудий меҳнат бозорида талаб ва таклифнинг ўзига хос хусусиятлари;
- 3) кадрлар малакасини ошириш, касбий тайёргарлик ва қайта тайёрлаш тизимининг хусусиятлари ва бошқалар.

Меҳнат ресурсларидан фойдаланишни бошқариш бўйича ҳудудий органлар тизимининг ўзига хос хусусиятлари эса қўйидагиларни ўз ичига олади:

- меҳнат ва бандлик соҳасида ҳудудий сиёсатни олиб боришида нисбий мустақиллик;

- иш билан бандликни бошқариш тизими ни ривожлантириш, бунинг натижасида бир қатор ваколатлар ва функциялар маркази даражадан ҳудудий ва маҳаллий даражаларга ўтказилиши;

- меҳнатни бошқариш тизимида нодавлат иштирокчиларнинг сони ва ролини кучайтириш ва бошқалар.

Юқоридаги фикрлардан хулоса қилган ҳолда биз иш билан бандликни даражасини оширишнинг омиллари таснифини таклиф қилиш имконига эга бўламиз (1-расм). Ҳудудлар аҳолисининг иш билан бандлигини оширишга таъсир этувчи омилларни икки ташқи ва ички гуруҳга бўлиш мумкин.

- ташқи омиллар қаторига сиёсий, иқтисодий, технологик (инновацион), ижтимоий ва демографик омиллар;

- ички омилларни меҳнатдан фойдаланишини бошқаришда икки асосий иштирокчининг манбаатларини ҳисобга олган ҳолда фарқлаш зарур: ҳудудий бошқарув органлари тарафидан ва иш берувчилар тарафидан;

а) ҳудудий даражада иш билан бандликни бошқариш ҳудудий бошқарув органлари нуқтаи назаридан асосий ички омиллар қўйидагилардир: меҳнат бандлигини бошқариш органларининг хусусиятлари, ҳудудий меҳнат бозорида талаб ва таклифнинг ўзига хос хусусиятлари, кадрлар малакасини ошириш, касбий тайёргарлик ва қайта тайёрлаш тизимининг хусусиятлари;


б) иш берувчилар нуқтаи назаридан меҳнат ресурсларидан фойдаланишга корхона хусусиятлари энг катта таъсир кўрсатади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Шунингдек, етук иқтисодчи олимлардан И.М.Алиев, Н.А.Горелов, Л.О.Ильиналар ушбу тушунчага: “Иш билан бандлик ижтимоий-иктисодий ҳодиса сифатида фуқароларнинг шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ ҳамда меҳнатдан даромад (иш ҳақи) келтирувчи ижтимоий фойдали меҳнат сифатида намоён бўлиши мумкин”[13] деб таъриф берганлар.

Тадқиқот методологияси. Кадрлар малакасини ошириш, касбий тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимининг хусусиятлари. Маълумки таркиби жиҳатидан ҳудудий даражада ишлайдиган кадрларнинг малакасини ошириш, касбий тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими турлича. Унинг вакиллари орасида бизнес мактаблари, маслаҳат агентликлари, давлат ва нодавлат олий касб таълими муассасалари, иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат муассасалари, рекрутинг ва бошқалар киради.

ДЕМОГРАФИЯ ВА МЕҲНАТ ИҚТИСОДИЁТИ



Манба: Тадқиқотчининг илмий изланишлари асосида тузилган

Иш берувчилар нуқтаи назаридан меҳнат ресурсларидан фойдаланишга қўйидаги омиллар энг катта таъсир кўрсатади:

- 1) корхона (ташкилот)нинг ўзига хос хусусиятлари;
- 2) бошқариш усуllibарининг хусусиятлари;
- 3) жамоада ижтимоий ва меҳнат муносабатларининг хусусиятлари;
- 4) менежмент ташкилий тузилишининг хусусиятлари.

Корхона (ташкилот) хусусиятлари. Корхона (ташкилот) иқтисодий фаолият субъекти сифатида қўйидаги асосий хусусиятларга эга: фаолият соҳаси, мулкчилик шакли, ташкилий-хуқуқий шакли, маҳсулот-тематик портфелининг кенглиги, ишлаб чиқариш жараёнининг табиати ва шакли, ҳажми. Иш билан бандликни бошқариш тизими умуман корхонани (ташкилотни) бошқариш тизимининг ажралмас қисми бўлғанлиги сабабли унинг самарадорлигини яқуний натижалари бўйича баҳолаш мумкин. Бундай ҳолда нафақат умумий иқтисодий, балки корхонанинг молиявий натижалари, биринчи навбатда, молиявий барқарорлик ва тўлов қобилиятининг эришилган дараҷаси ҳам ҳисобга олиниши керак.

Таҳлил ва натижалар. Натижада рақобатбардошлик учун курашнинг кучайланлиги шартида корхонада меҳнатга таъсир кўрсатадиган энг муҳим ички омил бу унинг имиджи – корхонанинг ўзи ва унинг маҳсулотлари (хизматлари) тўғрисидаги жамоатчилик фикрини акс эттирувчи хусусиятлигини кўриш мумкин.

Айниқса, иш билан бандлик соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқишида меҳнат бозорини концептуал жиҳатдан тушуниш муҳим аҳамиятга эга. Меҳнат бозорини тор маънода тушуниш асосан, рўйхатга олинган ишсизларни ижтимоий қўллаб-куватлаш ва ишга жойлаштиришга йўналтирилган тор сиёсатни ҳам кўзда тутади. Бу сиёсат фойдали, аммо у ишсизларнинг макро-иқтисодий муаммоларини ҳал этмайди. Меҳнат бозорини кенг маънода тушуниш барча иш ўринлари тизими (банд ва вакант иш жойларни)ни қўллаб-куватлаш ва кенгайтириш, иш билан бандликни кўпайтириш ва рағбатлантириш шу йўл билан ишсизлик муаммосини ҳал этиш сиёсатини кўзда тутади. Бундай сиёсат ўз навбатида, сезиларли катта харажатларни, давлат ҳокимияти органларининг масъулиятини талаб қиласди.

Худудлар аҳолиси иш билан бандлиги дараҷасини янада оширишда аҳолининг иқтисодий эҳтиёжманд қатламларининг иш билан бандлигини таъминлаш механизмининг илмий назарий асослари учун диссертация ишида аҳолининг де-

мографик жиҳатлари ва иш билан бандлик дараҷасини янада ошириш бўйича асосий элементлари биз томондан аниқланди ва амалиётга тавсия қилинади (2-расм).


1. Меҳнат ресурслари иқтисодий фаоллигини оширишнинг муайян индивидуал ёндашуви, яъни мазкур элементнинг таркибий қисми инсон ресурслари сафарбарлиги ва ҳаракатчанлиги бўлса, бу йўналиш ўз навбатида, аҳоли даромадларини энг юқори даражагача кўтариш ҳамда ҳаражатларни энг кам миқдоргача тушириш кўрсатичларидан иборат бўлади.

2. Мамлакатда аҳоли сонининг тез суръатлар билан ўсишининг Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги ўзига хослиги ўз-ўзидан норасмий иш билан бандлик сиёсатини тартибга солиш ва уни эркинлаштириш орқали уларни ижтимоий салбий оқибатларини бартараф этишни тартибга солиш воситалари бўлган давлатга тегишли иш билан бандлик соҳасидаги адолатли баҳолаш мезонлари орқали амалга ошириш зарур. Чунки аҳолининг иш билан бандлиги дараҷасини ошириш билан барча тегишли ҳужжатларнинг мажмуида айнан адолатли баҳолаш мезонларига устуворлик берилади.

3. Аёллар ва ёшларни меҳнат бозори сегментига жавоб берадиган даражада профессионаллигини оширишга қаратилган ёндашувлар ҳамда чора-тадбирлар муҳитини яратишда таълим тизимида касб-хунар тизими мавқеининг тушиши, айниқса, мазкур таълим тизимида таклифнинг кескин даражада камайиши ўз навбатида, ёшлар меҳнат бозорида мисли кўрилмаган дараҷада муаммоларни олиб келди. Шу муносабат билан тадқиқот ишида янгидан шаклланиб келаётган касб-хунар таълим тизимида айнан ёшларнинг меҳнат бозори сегментига жавоб берадиган даражада профессионаллигини оширишга қаратилган ёндашувлар ҳамда чора-тадбирлар муҳитини яратиш масаласини тавсия қиласядимиз. Яъни бунда ёшларни болалик давридан рақобатбардош инсон капитали киритиш имкониятларига эга бўлиш 14-30 ёшгача бўлган ёшлар таркибида айнан қишлоқ ёшларнинг улушкини ошириш масаласи илгари сурилади.

4 Худудларда боқувчисини йўқотган аёллар ҳамда меҳнатга лаёқатли ёшгача бўлган меҳнат қиласётган ўсмирлар ижтимоий эҳтиёжманд қатлам вакиллари таркибида киритилиши мақсадга мувофиқдир.

ДЕМОГРАФИЯ ВА МЕҲНАТ ИҚТИСОДИЁТИ



2-расм. Худудларда аҳолини иш билан бандлик даражасини оширишда иқтисодий фаол аҳоли таркибига эҳтиёжманд аҳоли қатламларини ишга жалб қилиш механизими таҳлил қилинган


Манба: Муалиф томонидан тузилган

Ҳозирги янги ислоҳотлар даврида ишсизлик даражасини пасайтириш аҳолининг эҳтиёжманд қатламини иш билан таъминлаш, аҳоли даромадларини ошириш, пенсия таъминоти, кам таъминланган аҳоли қатлами учун ижтимоий ҳимоя тизими, аҳолининг уй-жой билан таъминланиши каби масалаларни ҳал этиш вазифасини юклайди.

5. XXI аср, аборт асли глобаллашув жараёнларининг кескинлашуви ўз навбатида IT-технологиялари асосидаги дастурлар доирасида илмий-тадқиқотлар, илмий ишланмалар ва ғоялар натижасида мамлакат тараққиёти учун зарур бўлган тармоқ ва соҳаларда янги техника ва технологиялар билан таъминланган иш жойларини яратиш, замонавий техника ва технологияларни оширишга ёнсижайли сарф оғизларни таъминлашади.

Гияларни жалб этишга қаратилган инновацион бошқарув тизимини жорий этиш. Мазкур йўналишнинг ижобий ҳал этилиши ўз навбатида, меҳнат ресурслари ортиқ ҳамда ер майдони кичик ҳудудлар иқтисодиётини ривожлантириш учун имкониятлар яратади.

6. Ўзбекистон Республикасида ҳудудлар аҳолиси сони ва таркибидаги ўзига хос хусусиятлар, ҳудудларнинг географик жойлашиши ва табиий ресурсларнинг мавжудлигидан келиб чиқиб, яъни ҳар бир ҳудуд маҳаллий меҳнат бозорига мос шакл ва усусларни қўллашни тақозо этади. Албатта, ҳозирги кунда яратилаётган эркин иқтисодий ҳудудлар ва кичик саноат зоналари ҳудудлар иқтисодий имкониятларини оширишга етарлича ҳисса қўшаётгани йўқ.



3-Расм. Аҳолини иш билан бандлик даражасини ошириш бўйича таклифлар

Манба: Муаллиф ишланмаси.

7. Бозор иқтисодиёти механизмини тартибга солувчи элементлардан бири бўлган иш фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган соғлом рақобат муҳитини яратиш ва мустаҳкамлашга хизмат қиласидан илмий – тадқиқотларни ўтказиш, яъни демографик кўрсаткичларга эга ҳудудлар - Самарқанд, Фарғона, Қашқадарё ва Андижон вилоятларида аҳолини иш билан бандлик даражасини ошириш мақсадида меҳнат бозорида талаб ва таклиф ўргасидаги ўзгаришларни доимо ўрганиб бориш меҳнат бозорида таклиф эҳтиёжларини қондириш бўйича рақобат устунликларини аниқлаш ва яратиш орқали

аҳолининг демографик жиҳатлари ва иш билан бандлик даражасини ошириш механизмларининг асосини ташкил этади.

Биз таклиф этаётган мазкур механизmdа аҳолини иш билан бандлик даражасини оширишнинг демографик жиҳатларининг икки ижобий ва салбий томони таҳдил қилинган. Аксарият илмий-тадқиқот ишларида тавсия этилаётган ғоя ёки илмий қарашларда муаллифларнинг бир томонлама ёндашувини кузатиш мумкин. Ҳозирги давр, ҳозирги шароитда барча соҳаларда фақат ютуқлар эмас, аксинча муаммолар сўралаяпти. Ўз-ўзидан савол туғилади.

Муаммони қандай аниқлаш мумкин. Айниқса, илмий-тадқиқот йўналишида муаммони фақат ижобий ва салбий томонларнинг қиёсий таҳлили орқали топиш мумкин. Шунинг учун ҳам мазкур илмий-тадқиқот ишида тавсия этилаётган механизм мавзу олдига кўйилган мақсаднинг илмийлигини ошириш ҳамда янада аниқ натижага эришиш учун икки томонлама қиёсий таҳлиллар амалга оширилди (3-расм)

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтганда, республикада кейинги йилларда меҳнат бозорини ўрганиш ҳамда мавжуд вазиятдан келиб чиққан ҳолда иш билан бандлик масалалари юзасидан қатор мақсадли тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу боис мамлакат миқёсида аҳоли ва меҳнат ресурсларининг жойлашиш хусу-

сиятларини ўрганиш ва шу асосда тегишли хуносалар бериш муҳим аҳамият касб этиб, у худудий меҳнат бозори фаолиятини янада яхшилаш билан бир қаторда худудларнинг ижтимоий-иктисодий юксалишига замин ҳозирлайди. Шунингдек Иқтисодиётнинг норасмий секторида меҳнат қилаётган ҳамда даромад олаётган аҳоли қатлами учун аҳолининг эҳтиёжманд қатлами мақомини бериш талаб этилади. Бундан ташқари бизнингча, кўп фарзандли оиласлар (ойлик даромади белгиланган миқдордан кам бўлган ҳолда), бокувчисини йўқотган аёллар ҳамда меҳнатга лаёқатли ёшгача бўлган меҳнат қилаётган ўсмирлар ижтимоий эҳтиёжманд қатлам вакилларига киритилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Манба ва адабиётлар рўйхати.

1. Экономика труда. В 2 ч. Часть 1 : учебник и практикум для бакалавриата и магистратуры / И. М. Алиев, Н. А. Горелов, Л. О. Ильина. — 3-е изд., перераб. и доп. — М. : Издательство Юрайт, 2016. — 74 с.
2. Меҳнат иқтисодиёти: Назария ва амалиёт / Дарслик. Академик Қ.Х.Абдураҳмонов. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «FAN» нашриёт давлат корхонаси, Т.: 2019. — 592 б.
3. Меҳнат муҳофазаси – янги хизматлар / Янгиликлар: Бандлик. Меҳнат муҳофазаси. Миграция. (1-15 май 2017й.) //Меҳнат муҳофазаси ва бандлик Республика илмий маркази нашриёти. <https://mehnat.uz>. — 5б.
4. Иқтисодиёт фани ва таълимда янги анъаналар. 1 Боб: XXI асрда меҳнат: янги анъаналар, ижтимоий ўлчов, инновацион ривожланиш / К.Х. Абдураҳмонов ва муаллифлар жамоаси. –Тошкент нашр.: Г.В. Плеханов номидаги РИУнинг Тошкент филиали. -2017. –б. 50-54.
5. Иқтисодий фан ва таълимда янги анъаналар. 6 Боб: Глобаллаштириш шароитларида демографик муаммолар ва уларнинг асоратлари / А.А. Кобулова муаллифлар жамоаси. – Тошкент нашр.: Г.В.Плехановномидаги РИУ Тошкент филиали. -2017. –170-173 б.
6. Иқтисодий фан ва таълимда янги тенденциялар. 3 Боб: Миллий иқтисодий тизим ривожининг замонавий хусусиятлари ва муаммолари/ Ш.Г.Йўлдошева муаллифлар жамоаси. –Тошкент нашр.: Г.В. Плеханов номидаги РИУ Тошкент филиали. -2017. –б. 109-112.
7. Каримова Д., Цҳай Л., Ўзбекистон ижтимоий-иктисодий ривожининг демографик нуқтаи назарлари, «ДемоскопWeekly» 2014, №583-584, demoscope.ru/weekly/2014/0583/analit04.php
8. Мактабгача таълим инсон ривожининг омили сифатида. Иқтисодий тадқиқотлар маркази маъruzаси. - 2017. www.cer.uz.
9. Народонаселение мира в 2018 году. Фонд Организации Объединенных Наций в области народонаселения 605 Third Avenue New York, NY 10158 Тел.: +1 212 297 5000 [@UNFPA](http://www.unfpa.org).
10. Исследование о природе и причинах богатства народов/Адам Смит; (пер.сангл.П.Клюкина). — Москва: Эксмо, 2020.-1056 с.
11. Начало политической экономии и налогового обложения/Дэвид Рикардо:[пер.санг.; предисл. П.Клюкина].— Москва: Эксмо, 2016.-1040с.-{Великие экономисты}.
12. Экономика труда: Конспект лекций: учебное пособие /А.И. Рофе.-Москва.: КНОРУС, 2017. с. 90.
13. Экономика труда : учебник и практикум для академического бакалавриата / Ю. Г. Одегов, Г. Г. Руденко. — 3-е изд., перераб. и доп. — Москва : Издательство Юрайт, 2019. — 89 с. (387с.)

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШНИНГ ЯНГИ ЁНДАШУВЛАРИ

Тула Нодирбек Баходир ўғли -
Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги
Кадрлар малакасини ошириш ва
статистик тадқиқотлар институти докторантни

Аннотация. Мақолада аҳолини рўйхатга олишининг самараదорлиги ва сифатини ошириш усуслари муҳокама қилинган. Рақамли технологиялар, хусусан, географик ахборот тизими (ГАТ) ва Интернет рўйхатидан фойдаланган ҳолда аҳолини рўйхатга олишини ўтказиши таҳлили олиб борилмоқда. Аҳолини рўйхатга олишда рақамли технологиялардан фойдаланишининг бир нечта варианatlари кўриб чиқилган. Мақоланинг сўнгидага аҳолини рўйхатдан ўтказишини тақомиллаштириш бўйича хуносалар ва тавсиялар берилган, хусусан рақамли технологияларда фойдаланишининг афзаллиги қайд этилган.

Калим сўзлар: рўйхатга олиш, аҳоли, интернет, рўйхатдан ўтиш, рўйхатдан ўтказувчилар, статистика, рақамли технологиялар, самараదорлик.